

Маданият ва маърифат

Президент соҳага оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни маданият ва маърифат соҳаларига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар берди.



Улардан бири – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида бунёд этиладиган замонавий кутубхонадир. Лойиҳага кўра, бу ерда 3 қаватли кутубхона қурилиб, атрофида яшил ҳудуд барпо этилади. Бинонинг биринчи қаватида санъат ва ахборот технологиялари, иккинчи қаватда тарих, филология ва динга тааллуқли, учинчи қаватда ижтимоий фанларга оид адабиётлар жамланади. Ушбу кутубхона адабиёт, илм-фан ва санъатнинг турли йўналишларига оид босма ва электрон нашрлар, элек-

трон ҳужжатлар, жами 1,5 миллиондан ортиқ китоблар фондиди қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари кутубхонани қуришда шаҳарсозликнинг илғор тажрибаларини қўллаш, келувчиларга қулай шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Навбатдаги лойиҳалар ҳам маданият ривожига қаратилган. Жумладан, Урганч шаҳрида Муҳаммад ал-Хоразмийнинг янги ҳайкалини ва унинг атрофида хиёбон барпо этиш режалаштирилган.

Президентнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги нишонланади. Ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрида санъаткор ҳайкалини ўрнатиш белгиланган.

Тақдимотда, шунингдек, Бадиий академия томонидан танлаб олинган ҳайкал эскизлари кўздан кечирилди. Ҳайкаллар ўрнатиладиган хиёбонларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Ушбу сонда

Ўзбеклар ҳаётига виртуал саёҳат

2-саҳифада >>>

Асрлар оша яшаб келаётган қадриятлар

3-саҳифада >>>

Борлиғи кинога айланган режиссёр

4-саҳифада >>>



Ҳуснингизни хор қилманг!

8-саҳифада >>>

Муҳокама минбари

Тизим чуқур ва тўлиқ ўрганилади

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилонга сиёсатнинг туб негизида халқимизга фаровон ҳаёт яратиш, ёшларимизга ҳар жабҳада эркин фаолият юритишига кенг имқоният бериш каби гоёлар мужассам. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар ва имқониятларга “лаббай” деб жавоб бериш, қайси соҳада фаолият олиб боришдан қатъи назар вазифасига масъулият билан ёндашиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Маданият вазирлиги ҳам мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш баробарида тизимда фаолият олиб бораётган раҳбар ҳамда ходимларнинг ўз вазифасига қай даражада масъулият билан ёндашаётганлигини билиш мақсадида махсус ишчи гуруҳини ташкил этди. Мазкур гуруҳ жорий йилнинг 3 – 5 июнь кунлари ўз ишини бошлади.

Вазирликнинг 2021 йил 24 майдаги “Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларни комплекс ўрганиш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан ташкил этилган Ишчи гуруҳ илк таҳлилни Фарғона вилоятдан бошлади.

Вилоят маданият бошқармаси, унинг тизимидаги театр ва таълим муассасалари, давлат музейлари, маданият марказлари, кўзи ожизлар кутубхоналари ҳамда бошқа ижодий ташкилотларда ижро назорати, ҳужжатлар ва кадрлар билан ишлаш, давлат тилига риоя этилиши, ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш каби кўплаб масалаларнинг натижадорлиги атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Маълумот ўрнида келтириш жоизки, бугунги кунда вилоятда 4та шаҳар, 15та туман мавжуд бўлиб, жами 155та маданият ва санъат муассасаси фаолият юритмоқда.

Давоми 2-саҳифада >>>



Донолар сўзлайди...

Яхшилар масъулият билан иш қилганлари учун қонунларга муҳтож бўлмайдилар. Ёмонлар қонунларга чап бериш учун йул топадилар.

Афлотун

Ҳар қандай жисмоний машаққатга чида, қийналганингни бошқаларга билдирма.

Бир ўзинг яқунлашинг мумкин бўлган ишга ёрдамчи талаб қилма.

Лев Толстой

Ташриф

Бахшичилик истиқболи



Хабарингиз бор, Маданият вазири Озодбек Назарбеков Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида бахшилар мактабига ҳам бўлди. Уни юзидан самимият уфуриб турган бахшилар қарши олишди.

Маданият вазири мактаб жамоаси, устозлар билан мулоқотдан сўнг энг ёш бахшилар термаларини тинглаб, суҳбатлашди. Устозлари ортидан эргашиб, ушбу халқона санъат турини давом эттиришга бел боғлаган ёшларга вазириликнинг махсус совғалари – дўмбиралар топширилди.

Шундан сўнг О.Назарбеков Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолияти билан ҳам қизикди. Ҳар икки муассаса ходимлари билан бўлган йиғилишда мавжуд муаммо ва камчиликлар муҳокама этилиди ҳамда истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ташриф доирасида вилоят кўғирчоқ театрида бўлган вазири муассаса ходимлари билан йиғилиш ўтказди. Унда театр репертуарини янада бойитиш, фақат эртақлар асосида эмас,

хаётий воқеалар, замонамиз қаҳрамонлари хаёти акс этган сахна томошаларини ёш авлодга тақдим этиш орқали уларни ватанпарварлик, инсонийликни улуғловчи гоғлар руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Ўйлаймизки, ҳар бир ходим белгиланган вазифалар ижросига масъулият билан ёндашиб, уларни сидқидилдан адо этади. Янги дўмбирлага эга бўлган ёш бахшилар чалган садолар эса тоғлар ортидан баралла жаранг сочади.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Тизим чуқур ва тўлиқ ўрганилади

Хусусан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали, Ўзбекистон давлат филармониясининг вилоят бўлини маси, Ислон Каримов номидаги театр ва концерт саройи, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими, 5та театр, 2та музей ва 10та музей филиали, 1та ихтисослаштирилган санъат мактаби, 1 та ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати, 1та кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг 8та филиали, 30та БМСМ, 19та шаҳар, туман маданият бўлими, 83та маданият марказлари, 14та маданият ва истироҳат боғлари, 1та ҳайвонот боғи, 68та “Халқ” ва “Намунали” унвонга эга бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, Фарғона вилояти маданият бошқармаси ва унинг тизим ташкилотларида меҳнат қилаётган жами 4235 ходимнинг 2069 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Вилоятда ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра, Маданият вазириликнинг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов раҳбарлигида Фарғона вилоятидаги маданият ва санъат муассасалари раҳбар ва ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда Фарғона вилояти ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Хуршидjon Аҳмедов ҳам қатнашди.

Мазкур йиғилишда вилоят маданият бошқармаси ва унинг қуйи тизим ташкилотларида амалга оширилган вазифалар, қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юритилиши, ижро назорати тизимли равишда йўлга қўйилганлиги, таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларга дарс бериш жараёнларини ташкил этиш ҳолати, мавжуд моддий техник базадан оқилона фойдаланиш, маданият ва санъат муассасаларида олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари, давлат театрлари ҳамда ҳудудий бошқармалар фаолияти, кадрлар билан таъминланганлик даражаси каби қатор топшириқлар ижроси бўйича ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарлар, хусусан, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи ўз вазифасидан четлатилган бўлса, мазкур бошқарманинг ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, 9-10-11 ва 21-БМСМ директорлари, Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи реставратори, вилоят кўғирчоқ театри бош режиссёри билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.



Бундан ташқари, Кўкон давлат музей-қўриқхонаси директори, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг 3 нафар реставраторлари, Кўкон шаҳар мусиқали драма театри бош режиссёри, мазкур театрнинг 2 нафар бадиий эмакдошларига хайфсан эълон қилинди. 5та театр муассасаларида фаолият олиб борувчи 10 нафар ходим ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарагани учун қатъий огоҳлантирилди.


Айтиш керакки, қонун устивор бўлган демократик мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро яратилган имкониятдан фойдаланиш асносида давлат томонидан чиқарилаётган қонунларни ҳурмат қилиши шарт. Ўзига билдирилган ишончни оқлаш ўрнига зиммасидаги вазифасини унутган хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ ходим белгиланган тартибга мувофиқ чора кўрилишини унутмаслиги лозим.

Ўрганиш ва таҳлил натижаларидан сўнг Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби директори ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси Фарғона вилояти бўлини маси директори нафақага чиқиши муносабати билан Асилбек Худойназаров ихтисослаштирилган санъат мактабига, Отабек Мамазоитов Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлини масига раҳбар этиб тайинланди.

Ўйлаймизки, билим ва маҳоратини ишга солиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшишга ишонч билдирилган раҳбарлар ўз вазифаларига катта масъулият билан ёндашади. Йиғилиш якунида олиб борилган ўрганиш натижаси таҳлилга кўра ва истиқболдаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда санъат ва маданият янада ривожлантиришга доир махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиши белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, Маданият вазирилик томонидан тузилган ишчи гуруҳи тизимини тўлиқ ва чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш ишларини республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам олиб боради.

Дунё бўйлаб



Ўзбеклар ҳаётига виртуал саёҳат

Ўзбекистон илк мартаба Венеция архитектура биенналесиде иштирок этмоқда. Маданият вазирилик ҳузуридаги маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан Арсеналда “Маҳалла: шаҳар ва қишлоқ ҳаёти” номи кўргазма очилди.

Павильонга ташриф буюрувчилар ўзларини ўзбекларнинг анъанавий ҳовли уйида юргандек ҳис этиши мумкин. Буларнинг барчаси кўргазма дасту-

ридаги 3D тасвирларда жонланади ва уй ичида виртуал саёҳат қилиш имконини беради.

Бу ҳақда “Euronews” телеканали махсус лавҳа ҳам тайёрлади. Унда ушбу йирик анжуманда илк бора қатнашаётган Ўзбекистон Марказий Осиёдан иштирок этаётган ягона мамлакат экани алоҳида таъкидланди.

Кўргазма жорий йилнинг 22 ноябрга қадар давом этади.

Мулоқот

Замон билан ҳамнафаслик

Жорий йилнинг 2-3 июнь кунлари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев олийгоҳнинг Нукус филиалига ташриф буюрди. Дастлаб раҳбар филиал талабаларининг турли фанлар бўйича танлов, спорт мусобақаларида эришган ютуқлари билан танишди. Сўнгра профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Шу куннинг ўзида институт ректори профессор-ўқитувчилар билан учрашди. Узро мулоқот чоғида олийгоҳнинг илмий салоҳиятини ошириш, талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, бу жараёнда керакли ўқув қўлланмаларни яратиш, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ташриф давомида талабалар билан ҳам учрашув ташкил қилинди. Бунда Иброҳим Йўлдошев ўқийман, ўз қобилиятини намойён этмаган, деган ёшларга қандай шароитлар яратилганига эътибор қаратди. Талабалар ўртасида турли танловлар ташкил этиш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб, илмий мақолалар яратиш, республика ҳамда халқаро танловларда қатнашиб, филиал нуфузини янада ошириш борасидаги таклифларини айтди.

Бундан ташқари, ректор Нукус шаҳридаги Савицкий номидаги давлат санъат музейида ҳам бўлиб, раҳбарияти билан келгусидаги ўзаро ҳамкорлик борасида ҳам келишиб олди.

3 июнь куни эса институт делегацияси Мўйноқ туманида бўлишди. Бу ҳудудга кираверишда

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, унинг Нукус ҳамда Фарғона минтақавий филиаллари томонидан “Кўкон боғи” барпо этилган. Мазкур боғ 2018 йилда яратилиб, бу ерга декоратив ҳамда мевали дарахт кўчатлари экилган. Доимий равишда олиб борилган парваришлаш ишлари натижасида боғдаги мевали ва манзарали дарахтлар баравар бўй чўзиб, гўшага ўзгача гўзаллик бахш этган.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказган учрашувида ҳар бир тумандан маданият ва санъат йўналиши бўйича 5 нафардан ўғил-қизни имтиёзли равишда олий ўқув юртига ўқишга қабул қилиш гоғсини илгари сурган эди. Ушбу топшириқ ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасидан 85, Хоразм вилоятидан эса 65 нафар ёшлар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Нукус филиалига қабул қилиниб, айни пайтда ўқишни давом эттиришди.

Ташриф давомида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев ҳамда мазкур олийгоҳнинг Нукус филиали директори Аманжол Аяповлар Мўйноқ туманидан филиалда тахсил олаётган 5 нафар талабанинг ота-оналари билан учрашди.

Мулоқот чоғида институт ректори мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имконият ва шароитлар ҳақида гапирди. Ота-оналарнинг фарзандлари талабалик бахтига муяссар бўлганлиги билан қутлади. Ўғил-қизларининг келгусида юртимиз маданияти ва санъати ривожини йўлида муносиб хизмат қиладиган етуқ кадрлар бўлиб етишишларини тилади.

Шундан сўнг Иброҳим Йўлдошев Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг филиали – Мўйноқ экология музейида бўлди. Бу ерда меҳмонлар Орол денгизининг

ўтмиши ва бугунги куни, ҳудуднинг хайвонот дунёси, балиқ заводининг ўша даврдаги кўриниши сингари қатор экспонатлар билан танишдилар.



Концерт дастури

Кўнгилларда
Ватан мадҳи



Айни кунларда юртимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб, "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон ҳаёт" шiori остида маданий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилаётганидан хабарингиз бор.

Шу муносабат билан "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ҳам жорий йилнинг 6 июнь куни пойтахтимиздаги "Туркис-

тон" санъат саройининг ёзги амфитеатрида "Кўнгилларда Ватан мадҳи" деб номланган концерт дастурини ташкил этиб, кенг томошабинлар оммасига тақдим қилди.

Юксак ватанпарварлик ғояларини тараннум этиш, халқимизга хос ўзаро аҳил-иноқлик ва меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш, одамларга хушқайфият улашиш мақсадида ўтказилган кечада "Ниҳол" давлат му-

кофоти совриндорлари ҳамда таниқли эстрада хонандалари иштирок этишди.

Мазкур концерт дастури муассаса томонидан ёш истеъодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва имконият яратиш борасидаги амалга оширилаётган ишларнинг узвий давом бўлиб, бунда ўз ижоди билан фаоллик кўрсатаётган ёш хонандалар муҳлисларга манзур қўшиқларини тақдим қилишди.

Халқ педагогикаси

Асрлар оша яшаб келаётган кадриятлар



Инсоният яратган ноёб маданият дурдоналари ҳар бир миллатнинг фольклор санъатида мужассамлашгани барчамизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати ҳам умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида жуда қадрли. Халқ ижодиёти оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, тобора такомиллашиб, сайқал топиб, тараққий этган ижод маҳсулидир. Унда халқнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий ва маиший ҳаёти, турмуши, табиат тўғрисидаги тушунчалари, маданияти, эътиқоди, орзу-истаклари ва идеаллари, поэтик фантазияси, ҳис-туйғулари ҳамда тафаккурининг бой олами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлар ўз ифодасини топади. Улар омма ўртасида қайта-қайта сайқалланиб, муайян бир хусусиятга эга жанрларга айланиб боради. Чунончи, халқ оғзаки ижодида мақоллар, топишмоқлар, афсона ва ривоятлар, латифа ва лофлар, эртаклар ва дostonлар, аския ва оғзаки драма каби жанрлар киради.

Халқ ижодиёти дурдоналари омманинг қобилиятли вакиллари томонидан яратилади, оғиздан-оғизга кўчиб, мазмунан бойийди, моҳияти ўзгармаган янги кўриниш олади. Шу тарихда халқ ижодининг энг яхши намуналари ўлмас анъанага айланади.

"Анъана", "одат", "маросим" бири-бири билан бевосита боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шу боис анъаналарнинг таркибий қисми одат, одатнинг таркибий қисми эса маросим ҳам бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда бу тушунчалар алоҳида ишлатилса, улар мавҳум маънони англатади ҳам. Бундай пайтда уларга аниқловчи сўзлар қўшилиб, масалан, "анъанавий байрам", "анъанавий фестивал", ёки "тўй маросими", "нафақага кузатиш маросими" тарзида қўлланилади. "Маросим" сўзи жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини билдиради. "Анъана", "маросим", "байрам" атамалари ўзгармас эмас. Замон тараққийоти ва турмушдаги янгиланишлар таъсирида тушунчалар мазмун ҳам кенгайиб боради.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида талабга жавоб бермай қолган анъана ва байрамлар аста-секин унутила бошлайди. Моҳиятан халқчил, ижтимоий салмоққа эга анъаналар тараққий этади. Жумладан, Наврўз, Қовун сайли, Лола сайли ва шу каби унутилмас ва ўзгармас анъаналар асрлар оша яшаб келмоқда.

Мақола, латифа, лоф ва аския тадбирларнинг қизиқарлигини янада оширади, мазмунини бойиштириб, томошабинларни фаоллаштиради. Топишмоқлар тадбир ижрочилари ва аудитория ўртасида "жонли" алоқа ўрнатиш имконини яратади. Айниқса, болалар учун тайёрланган тадбирларда эртак ва дostonлар қаҳрамонлари уларни ғоявий эстетик тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Масалан, Алпомиш, Гўрўғли, Зумрад, Кенжа ботир, Тўмарис сингари образлар ёшларнинг сеvimли қаҳрамонлари сифатида асрлар оша бизгача етиб келган.

Республикамизнинг баъзи жойларида ташкил қилинаётган бадиий-оммавий тадбирларда халқ оғзаки ижоди намуналаридан самарали фойдаланиш орқали ҳам халқ педагогикаси ривожига ҳисса қўиши мумкин.

Аския – ижтимоий аҳамиятга эга санъат турларидан биридир. У халқнинг ҳаёт мазмунини, меҳнат ва маданиятини, кишилар ўртасидаги муносабатларни, қарама-қаршиликларни, шунингдек, дунёқарашни ўзида акс эттирадиган ўзбек санъатининг анъанавий ҳажвий жанридир.


Халқ оғзаки ижодининг энг гўзал намуналаридан яна бири – бахшичилик санъатидир. Бахшилар халқ орасида ўз санъатини доимий намоиш этиши ва унинг анъаналарини сақлаб қолиши билан маданий ҳаётда катта хизмат қилган. Ушбу санъат тарғиботчилари асосан бахшилардир. Халқ оғзаки ижодининг яна бир йўналиши дostonчилик – юксак профессионал санъат дея эътироф этилади. Шунинг учун ҳам етакчи халқ шоирлари бўлажак бахши – шоғирд тайёрлашга алоҳида эътибор беришган. Оғзаки яратилиб, оғзаки куйлаб келинган дostonларни авлоддан авлодга фақат шу йўл билангина етказиш мумкин эди. Етакчи бахшилар шоғирдларига 2-3 йил давомида дostonчилик йўллариини ўргатишган. Барча ўқитиш-ўргатиш ишлари устоз куйлашни тинглаш орқали амалга оширилган. Шоғирд устоз репертуарининг муайян қисmini ўрганиб, мустақил ижрочи даражасига кўтарилгач, унга оқ йўл тиланган.

Халқ ижодхори – бахшилар, шоирлар,

оқинлар, жировлар, жирчилар, манасчи ва қиссахонларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бири-бирига устоз-шоғирдликни эпик репертуарларнинг бойиб бориши мисолида ҳам очик-ойдин кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда бахши-шоирлар ўртасида бундай тадбирлар, мушоиралар, кўрик-танловлар бўлмаганида бахшичилик санъати бу даражада ривожланмасди. Бу анжуманлар халқ оғзаки ижоди, шу жумладан, бахшичилик санъати ўтмишининг акс-садосигина бўлиб қолмай, ҳозирги замоннинг янғроқ овози эканлигини, меҳнатқашлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини намоиш этди. Шунингдек, бизда айрим кишилар ўйлаганидек, дostonчилик санъати инқирозга юз тутиб, бутунлай сўнаётгани эмас, балки яшаб келаётганлигини ва халқ хизматида бўлаётганлигини яна бир бор кўрсатди. Мазкур санъатни фақат фольклоршунослар эмас, балки бошқа соҳа еталари: ёзувчи, шоирлар, мусикашунос, театршунос, маданиятшунослар ҳамкорликда ўрганишлари керак. Чунки бахшичилик кўпгина ижод турларини ўзида синтезлаштирган санъатдир.

Хулоса шуки, урф-одатлар, маросим ва



удумларни қамраб олган эпизодлар замонавий театрлаштирилган тадбирнинг ўзига хос белгиларидан бири ҳисобланиб, кунининг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Кўпинча бундай сахнавий чиқишлар, баъзи тантанали маросимларнинг сценарийларида учраши оддий хол. Лекин ҳозирда давлат даражасидаги ижтимоий-сиёсий байрамларда ҳам бу каби эпизодлар қисман сахналаштирилмоқда. Чунки урф-одат ва маросимлар асосида халқимизнинг ўлмас анъаналари, бой тарихи, маънавий ҳаёти акс этади.


Демак, замонавий байрам ва томошаларда халқ ижоди намуналаридан фойдаланишни янада такомиллаштириш, унинг маънавий омилларини бойитиш, замонавий сахна қонуниятлари, миллий урф-одат ва маросимлар интеграцияси асосида бадиий тўлақонли режиссура яратишда ўз касбининг ижтимоий-сиёсий маданий ҳаётни, маҳаллий аҳоли меҳнати ва турмушини чуқур тушуниб, уни тўғри таҳлил қила оладиган режиссёр ва фольклоршунослар ижодий ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим. Шунингдек, соҳа мутахассисларининг малака оширишини тизимли йўлга қўйиш, хориж тажрибасини татбиқ этиш орқали би йўналишда тараққий этиш мумкин.

Дилфузахон ҚўЧҚОРОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистранти

Мулохаза

Маълумки, музейлар йирик илмий-маърифий, маданий марказлардан бири ҳисобланади. Халқимизнинг бой маданий меросини, унинг тараққийот босқичларидаги ўрнини ҳаққоний акс эттириб, ёшларимиз қалбига бадиий гўзаллик ва аждодларимиз қолдирган меросга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдириш баробарида муҳим тарихий маълумотлар билан таништириш музейларнинг асосий вазифаларидан саналади.

Тарих хабарчилари



Ўзбекистон давлат табиат музейи Марказий Осиёнинг илк йирик илмий-маърифий муассасаларидан бири бўлиб, ҳозирда унинг геология бўлимида 1928та республикамизнинг турли қонларидан келтирилган минерал ва фойдали қазилмалар коллекцияси сақланади. Темир, мис, кўмир, рух, олтингурут, зийнатли тошлар каби қазилма бойликлари халқ ҳўжалиги ва саноат эҳтиёжини таъминлаш учун керакли ҳар хил табиий минерал моддалар йиғиндис бўлиб, табиий ҳолда ёки қайта ишлангач фойдаланилади. Бево-ситта фойдаланиладиган қазилма бойликларга: тошкўмир, ош тузи, олтингурут, соф олтин, олмос, газ ва бошқалар, қайта ишлаш йўллари билан ишлатиладиган хилларига темир, мис, кўрғошин, рух, қалай, вольфрам, берилл ва бошқа маъданлар киради.

Аслида фойдали қазилма бойликлар газ, суюқлик ва қаттиқ ҳолда учрайди. Газ ҳолидаги ёнғувчи ва ёнмайдиган қазилма бойликлар қаторига ёр бағрида тўпланган углерод-водород таркибли ва ёнмайдиган, инерт газлар гуруҳига кирувчи пропан, бутан, метан, гелий, неон, аргон, криптон, ксенон ва радонлар киритилади. Суюқлик ҳолидаги қазилма бойликлар нефть ва ёр ости сувлари, жумладан – чуқуч ва минерал сувлар тўплами ҳисобланади. Қаттиқ ҳолдаги қазилма бойликлар сирасига табиатан қаттиқ, яъни руда ҳолида қазиб олинмаган металллар ва уларнинг мураккаб бирикмалари: темир, олтин, кумуш, вольфрам, қалай, полиметаллар (мис, кўрғошин, рух ва кумуш бирикмалари), алюминий, бериллий киради.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, ҳозирги вақтда айрим минераллар ва табиий суюқликлар аста-секин минералогия ва қазилма бойликлар таснифидан ўрин ола бошлади. Улар қаторига қадимда ва бутунги кунда ҳам табобат, фармацевтика соҳасида муҳим деб ҳисоблаб келинган – мийёи асл, аччиқтош, мумсақич, новот, минерал ичимлик сувлари, нефтли сувлар, қўл ва чўл шўр сувлари, олтингурут, кам миқдорда мавжуд радиоактив элементлари бор сувлар ва балчиқ сувлари мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, заминқимиздаги ҳар бир қазилма бойлик инсоният ривожини, жамият тараққийоти учун хизмат қилади. Ишонимизки, асрлар давомида тўпланган билмиларни, тарихий манба ва маълумотларни келажак авлодга етказиб бериш, ёшларнинг билим-кўникмаларини оширишда музейларнинг хизмати беқийсдир.

М.ШУКУРОВА,
Ўзбекистон давлат табиат музейи геология ва география бўлими муdiri,
У.ЎРМОНОВА,
бўлим мутахассиси

Халққа хушнудлик улашиб...

Хоразм вилоятида маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ва концерт дастурларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режасига мувофиқ, Богот туманидаги 20-сонли мактабда ижодий учрашув ва концерт дастури бўлиб ўтди.



род Султонов, актёр Илхом Рахимов, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали вакиллари Зайнаб Абидова, Ҳамида Иброҳимова ҳамда туман маданият бўлими санъаткорлари иштирок этишди.

ри Бекзод Ҳақимов, Дониёр Бектурдиев, Хуршида Эшниевова, актёр Илхом Раҳимов, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллоева, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали вакили Шарофат Сапаева ҳамда маданият бўлими хонандалари қатнашишди.

Тайинлов



Масъулиятли вазифа

“Шухрат” медали соҳиби, хонанда Улугбек Бобононов масъулиятли лавозимга тайинланди. Урганч шаҳар маданият бўлими мудири Бекзод Раҳмонов бошқа ишга ўтганлиги боис, унинг ўрнига “Шухрат” медали соҳиби, хонанда Бобононов Улугбек Салиевич маданият бўлими мудири в.б. этиб тайинланди.

Рухият

Болангизни тушунмаяпсизми? Демак, балоғатга етган!

Агар ўсмирлик даврини бошидан ўтказётган фарзандингизни тушунмаётган бўлсангиз, қуйидаги маслаҳатлар айнан сиз учун!

БАЛОҒАТ ЁШИДАГИ ФАРЗАНДИ БОР ОНАЛАРГА ТАВСИАЛАР

Бу болаликдан катталikka ўтиш даври бўлиб, инсонда ҳам руҳан, ҳам физиологик ўзгаришлар рўй беради. Гормонлар ўйнаши ҳисобига улар ўзларини худди катталардек тутишади. Бундай пайтда она фарзандига ёш бола каби муносабатда бўлмай, катталарга гапиргандек, ўзини жиддий тутиши керак.

ҚИЗ БОЛАНING ОНАГА ЎЗ ИЧКИ КЕЧИМАЛАРИНИ ОЧИҚ АЙТИШИ Тўғрими?

Агар она бу даврда фарзандини эшита билса, қизи унга шунчалик яқин бўлади. Натижада бола ташқаридан меҳр излаб, кимнингдир қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлмайди, ёмон йўللарга кириб кетмайди.

БОЛНИ БОШҚАЛАР ФАРЗАНДИ БИЛАН СОЛИШТИРИШ ЎРИНЛИМИ?

Агар фарзандингиз бахтсиз бўлишини истасангиз, уни танқид қилинг. Чунки доимий танқидга учраган бола келажакда ўз ўрнини топишга қийналади.

Эъзога ТУРГУНОВА

Нигоҳ

Ўзбек кинеси даргаларидан бири Шухрат Аббосовнинг фарзанди, шоғирди Нозим Аббосов 1962 йил Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ишчилар шаҳарчасида туғилган.

Борлиғи кинога айланган режиссёр

Отаси Шухрат Аббосов ўз даврининг машҳур режиссёри ва ҳақли равишда Ўзбекино санъатининг дарғаси эди. Нозим Аббосовнинг том маънода кино ичида туғилиб, шу оламда улғайган дейиш мумкин. Унинг ўзи ҳам болалигини шундай хотирлайди: “Кичкиналимдан отам мени сьемкаларига олиб борарди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Отам Абу Райҳон Беруний ҳақида катта бир фильм олиш ҳаракатида юрган эди. Мен роса тўполончи бола бўлганман.



минациясига сазовор бўлди. 2007 йил “Этнография ва саёҳат”, “Камера иши” номинациялари бўйича “Олтин тамбурин” халқаро телевизион дастурлар ва фильмлар фестивали лауреати (Ханти Мансийск, Россия), маданият бўйича халқаро қисқа метражли фильм фестивалининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган (Хиндистон 2007).

Нозим Аббосов биологик хилма-хилликни сақлашга бағишланган эстетик ёндашув учун “Лукойл” 2007, “Олтин Рицард” халқаро кино фестивали ҳамда “Кавказ минерал сувлари” (2007), “VI Байкал” халқаро кинофестивалларининг дипломи ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Кахрамонимиз фильмларида давр муаммолари, инсоний муносабатларнинг табиат ва жамият билан уйғунлашиши, характерлар тўқнашуви воқеаларни ҳаракатга келтиради. Унинг “Самарадаги учрашув”, “Севги, ўғри ва ўғричалар”, “Абадиёт чархи”, “Феллини”, “Дилор, Дилор – дил ва ор”, “Яна маҳаллада дув-дув гап”, “Саид билан Саида” каби қатор фильмларида айнан шу манзара кўзга ташланади.

Шу ўринда савол туғилади. Феллини ким? Фильм бош қаҳрамонининг лақаби бўлган “Феллини” – асл исми Урозбой. У чинакам кино фидойиси. Урозбой Оролда италиялик киночиларига ёрдам беради ва хоржиқлар унга ярим ҳазил, ярим чин қилиб “Феллини” лақабини беришади.

ган. Лекин рамзий маънода Феллини дунё киносининг энг бузоқ режиссёри солиштирма образи ҳисобланади. Феллини Мўйноқдаги эпелиш эҳтимоли яқин бўлган ҳақиқий бир кинотеатрни бошқаради. У буни ҳоҳламайди. Чунки бутун ҳаётини, умидини шу кинотеатрга болаган эди. Катта кино олиш, кинотеатрни сақлаб қолтириш дадидаги бош қаҳрамон туну кун шу ҳаёл билан яшайди. Унинг бу ҳаёлига йўқчиликдан қийналган хотини – Хадичанин “Кинотеатрингга ўт тушсин” деган аламли гаплари, ногирон ўғлининг соғлиги, қизининг пойабзалсиз ўқиши бориши ҳам раҳна соломлайди.

Феллинининг ана шундай характер эгаси сифатида фильмда очиб берилиши атрофидаги персонажларнинг маҳорат билан таллангани туйғулидир. Уларнинг ҳар бир диалогига, характерига қулминацион фикр бор. Феллини охирида буларнинг ҳаммаси жамланиб, асар гоёсини очиб беради.

Фикримизнинг бошидаги мушоҳадага қайтамиз. Режиссёр Нозим Аббосов инсоният феоцезини Феллини тизимлида очиб берган ва буни жамиятдаги катта муаммолардан бири сифатида кўтариб чиққан эди. Бутунги ўзбек киноси ҳам Феллинига ўхшаган кино жонқуярларига муҳтож соҳалардан бири бўлиб турибди.

Санобар ҚУЛМИРЗАЕВА, ЎЗДСМИ 3-босқич талабаси

Гайинлов

Долзарб масалалар кўрилди



8 июнь куни Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри-да Маданият вазирлиги вакиллари ва театр жамоаси иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов тизимда олиб борилаётган ислохотлар, театр санъати ривожига йўлидаги вазифалар, соҳага оид долзарб муаммо

ва камчиликлар ҳусусида атрофлича тўхталиб, жамоанинг келгусидаги фаолияти давомида жиддий ёндашиши лозим бўлган жиҳатларни келтириб ўтди.

Соҳага оид муҳим масалалар муҳокамасидан сўнг, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекжонов Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри-

га раҳбар этиб тайинланганлиги расман эълон қилинди.

Шунингдек, таваллуд айёмларини нишонлаган Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровлар соҳага қўшган салмоқли ҳиссаси учун "Ташаккурнома" ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Кун суҳбати

Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори, симфоник оркестр бадий раҳбари, бош дирижёр Камолiddин Ўринбоев билан ЎзА мухбири Нигора Умарова симфоник оркестр ривожига, соҳадаги муаммолар, уларнинг таҳлили ва ечими тўғрисида суҳбатлашди.

“Дунё саҳналари сифатли куй-қўшиқлар билан тўлсин!”

– Яқинда хориз сафаридан қайтидингиз. Суҳбатни ушбу сафардан қўзланган мақсадлардан бошласак?

– Хорижий сафарлар санъаткорининг қай даражада сермахсуллиги ва натижадорлигини билдиради. Ўзбекистон давлат симфоник оркестри учун ҳам, консерватория учун ҳам устувор йўналишлардан бири бу албатта халқаро ҳамкорлик масалаларидир. Бу таълим муаммоси бўладими, симфоник оркестр бўладими, биз учун жуда муҳим. Замон шу даражада шиддат билан ривожланмоқдаки, агар биз ўзимизни даврга ҳамоханг равишда ўзгартириб бормасак, орқада қолиб кетаверамиз. Ҳар доим ижодда, таълим соҳасида олд қаторларда бўлишга интилишимиз зарур.

Дирижёр сифатида жуда кўп хорижий сафарларда бўлман. Яқинда Қатар давлатининг Доҳа шаҳрида бўлиб қайтдим. Ижодий сафарларда катта бир жамоа билан ёки мустақил дирижёр сифатида борасизми, албатта ҳамкасбларингизнинг янги ижро имкониятларини кўрасиз. Чунки биз интеграция жараёнлари фаолроқ қарамасак, бир жойда тўхтаб қоламиз. Илдам қадамлар билан кетолмаймиз.

– Бугун ёшлар орасида симфоник оркестрга қизиқиш анча-мунча шаклланди. Тўғри, бу санъатни ҳамма бирдек эшитяпти, деб айтмаймиз, аммо сезиларли ишлар йўлга қўйилмоқда. Хўш, ушбу санъат турини халқимиз ва ёшлар орасида кўпроқ тарғибот-ташвиқот қилиш масаласи қандай кетаяпти?

– Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясини тамомлаб, Ўзбекистонда фаолият бошлаганимда айрим соҳа мутасаддиларининг бу санъат турига бироз ҳадик билан қарашгани кечагидек эсимда. “Симфоник мусиқа бизга хос эмас?”, “Халқимиз бунга эшитадими-йўқми?”, дегувчилар ҳам бор эди. Тўғри, бу санъат бизга керак, лекин унинг тарғиботи қандай бўлади, деган саволлар устида бош қотирилган.

Ушанда бу санъатни ёшлар эшитиши керак, энг аввало, республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги қишлоқларга бориб, ижро этиб, тарғиб қилишимиз шарт, деган фикрда эдик. Тарғиботни ёшларга бирдангина оғир, фалсафий, 1-2 соатга мўлжалланган симфоник, оратория, танталардан эмас, қабул қилиши осон бўладиган кичик пьесалардан бошлашимиз керак, дея ўзимизга режа тузиб олдик. Концерт дастурларимиз орқали жаҳон эстрада юлдузларининг қўшиқларини классик симфоник талқинда ижро этганимиз



да, ёшларимиз кўзидаги қувончини, яхши қабул қилишганини кўриб, бизда янаям кўпроқ ҳаракат қилишга иштиёқ кучайди.

2014 йилдан бошлаб фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри билан биргаликда республикамизнинг барча ҳудудларида тарғибот ишларини амалга ошириб келяпмиз.

– Бугун санъатни рекламасиз тасаввур қилиш қийин. Афсуски, симфоник оркестр йўналишида ижод қилаётган санъаткорларнинг рекламаси жуда кам?

– Классик-академик мусиқага эътибор етарли даражада бўлмагани ва бу соҳани номухтассислар бошқаргани сабаб бироз четда қолишлар кузатилади. Аммо охириги 3-4 йилда юртимиздаги байрам тадбирларининг салмоқли қисмини классик академик санъат эгаллади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишим керак, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурда Ўзбекистон давлат симфоник оркестрини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг алоҳида бандида айнан мана шу масалалар кўрсатиб ўтилган. Реклама, тарғибот-ташвиқот, керак бўлса, шаҳар марказларидаги махсус

баннерлар орқали симфоник оркестрнинг тарғибот қилиш масалалари ёки ОАВда бепул кўрсатувлар тайёрлашни босқичма-босқич олиб бориш назарда тутилган. Насиб этса, бу ҳам соҳани янада ривожлантиришда жуда катта натижалар беришига ишонаман.

– Соҳада кадрлар тайёрлаш масаласида олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Юртимиздаги бадий хор жамоаларига, мусиқий театрларга кадрлар етказиб берадиган олий таълим муассасаси бу албатта консерваториядир. Бугунги кунда кадрлар етиштиришда қуйи, ўрта ва олий таълим тизимида муайян ишлар амалга оширилди.

Бироқ олий таълим муассасалари йилга 300-400 нафар хонанда-ю соҳандаларни етиштириб берапти, деб ўйлашимиз, назаримда, ўта хато муносабат. Бу соҳа ҳам камчиликлардан холи эмас. Оғриқли нуқталаримизни таҳлил қилмай, камчиликларимизни билмай, уларни бартараф этмай туриб, яхши натижаларга эриша олмаймиз.

Танганинг иккинчи томони борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Биз бу ҳолатни сон эмас, сифат билан ўлчамимиз зарур. Юртимиз ва дунё саҳналарини сифатли мусиқа ва қўшиқлар билан тўлдирадиган даврлар аллақачон келди...

Қувасойдан хабарлар



Ёшлар учун тўхфа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига қилган ташрифи давомида берилган топириқлар ижроси доирасида Давлат божхона қўмитаси томонидан Қувасой шаҳар Гулистон МФЙ ҳудудида қаровсиз қолган футбол майдони замон талаблар асосида қайта таъмирланиб, жиҳозланди ва “Ёшлар соғломлаштириш маркази” сифатида тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Унда вилоят ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқиб, қувасойлик ёшларни янги маскан билан қутлади ва яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, юртбошимиз истаганидек, юрт байроғини дунё ареналарида баланд кўтарадиган муносиб фарзандлар бўлишига ундади.

Тадбирда, шунингдек, шаҳар маданият бўлимининг “Қувасой” ашула ва рақс халқ жамоаси, эстрада хонандалари ҳамда спорт мактаби ўқувчилари томонидан кўргазмалар чиқишлар намойиш этилди.

Кеча якунида “Цементчи” ва “Мўян” футбол жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ҳамда ёш спортчиларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Болаларга қувонч бағишлаб...

Қувасой шаҳар марказидаги “Ёшлар маданият ва истироҳат боғи”да “Хар бир фарзанда меҳр, эътибор” мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимлиги, ХТБ, маданият бўлими, Ёшлар агентлиги шаҳар кенгаши, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази, “Ногиронлар” жамияти ҳамда бир қатор корхона ва ташкилот вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар ва бошқалар иштирок этишди.

Ёшлар боғи ранг-баранг шарлар, гуллар ва умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган тўгарак ўқувчилари томонидан тайёрланган ўйинчоқлар, амалий санъат намуналари билан безатилди.

“Қувасойцемент” АЖ, “Кварц” АЖ, шаҳар давлат солиқ инспекцияси, электр тармоқлари корхонаси, “Водийгазтаъминот” ДУК, “Қувасойшифер” АЖ корхоналари ҳомийликлари остида барча болаларга музқаймоқ ва салқин ичимликлар улашилди.



Тадбирнинг бадий қисмида шаҳар маданият марказида фаолият олиб бораётган “Дилнаво” оилавий дастаси, “Шодлик” намунали болалар рақс жамоаси, Ёшлар маданият маркази қошидаги “Юлдузча” ҳамда “Ғунча” тўгараклари аъзоларининг жозибали чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

“Ватан сарҳадлари муқаддас”

Қувасой шаҳар маданият бўлими юртимиз сарҳадларини сергак ҳимоя қилаётган ҳарбийлар учун ана шу мавзудаги байрам тадбирини ташкил этди.

Кечада сўзга чиққанлар ватан ҳимояси муқаддас бурч эканини, ушбу вазифани мардонавор бажараётган ҳарбийларга доимо зафар кучишларини тилади.

Маданият ходимлари Дилшод Турсуналиев, Акромжон Хўжаевлар томонидан ижро этилган дилтортар наволарга “Жозиба” жамоаси хаваскорлари рақсга тушишди.

Шу кунни ҳарбийлар ўз уйларига маданий ҳордиқ ва бир олам таассуротлар билан қайтишди.

А.КОМИЛОВ,
Марказий маданият маркази
бадий раҳбари

Ижодий сафар

Маданий ҳордиқ улашиб...



Президентимизнинг жойларда аҳолига қайфият улашиш ва уларнинг маданий ҳордиқ чикаришини ташкил этиш борасидаги топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Маданият вазирлиги тизимидаги маданият муассасаларини 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб гастрол сафарларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги мажлиси баёнига кўра, мадани-

ят муассасалари ижодий жамоаларининг гастрол сафарлари дастури тузилди. Жумладан, жорий йилнинг 4 – 11 июнь кунлари Ўзбекистон давлат сатира театри ижодий жамоасининг Хоразм вилояти бўйлаб гастрол сафарлари ташкил этилди. Театр жамоаси 8 июнь куни Шовот тумани марказидаги 1-умумтаълим мактаби ҳовлисида ўз сахна кўринишларини намойиш этди. Шунингдек, ташриф давомида режалаш-

тирилган театр намоёндалари ҳамда таниқли актёрлар билан бўлган ижодий учрашувлар, сатирик чиқишлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирларга уюшмаган ёшлар, кам таъминланган оила фарзандлари, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" га киритилган аҳоли қатлами ҳамда ташкилот муассасалари меҳнат жамоаларинан иборат вақиллар жалб этилди.

Мулоҳаза



Фольклор ижрочилари — халқ оғзаки ижоди сайқалловчилари

Халқ ижодиётини асраш ва ривожлантиришда фольклор-этнографик ансамбллар раҳбарларининг икtidори муҳим аҳамиятга эга. Амалий ишлар муваффақияти кўп жиҳатдан бадий сўз қадрини, музикийлигини чуқур ҳис қилишга, халқ оғзаки ижодининг энг яхши намуналарини танлай олиш ва тарғиб этиш қобилиятига, шунингдек, шахсининг камол топишига, ўзбек халқ кўшиқчилиги ҳамда рақс санъати аҳамиятини қанчалик теран англашга боғлиқ.

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ансамбллар учун керакли асарларни саралашда, халқ ижодиёти бўйича дастурлар тузишда қимматли маслаҳатлар бериб келмоқда. Ушбу масканлар архивида сақланаётган матнлар ва айтилган халқ кўшиқлари тўпламидан (манбаларидан) фойдаланиш, фольклор ансамблларининг кенг камровли репертуарини таъминлаш имконини яратмоқда. Чунки халқнинг аънавий кўшиқлари қадимий тарихга эга бўлиб, у жонли оғзаки ижрода асосан қишлоқ жойларда яхши сақланган. Бироқ бундай кўшиқларнинг энг сара ижрочиларини излаб топшиш, улар қўйлаган кўшиқлар матнини ёзиб олиб, жамоа аъзоларига ўргатиш ҳар доим ҳам осон кечмаган. Бу йўлда тинмай изланиб, тарғибот ишларини олиб бориш лозим.

Халқнинг энг сара кўшиқларини ансамблга жалб қилинган ижрочи тилидан ёзиб олиш мумкин. Бундан ташқари, муайян ҳудуддаги кекса авлод вақилларидан ўрганган ёш ижрочиларни ёки шундай кўшиқларни билган қариндош-уруғ ва таниш-билишларни махсус ансамблга жалб этиш мумкин. Қадимий аънавадаги кўшиқларни халқ орасида танитилган ижрочилар гуруҳи ёки хонандалардан ҳам ёзиб ола билади.

Ансамбль репертуарини янги халқ кўшиқлари билан бойитишда фольклор экспедицияларида тўпланган матнлар муҳим манба ҳисобланади. Чунки экспедициялардаги жамоа иштирокчиларининг кўшиқларни ижро этиш борасидаги маҳорати, тажриба ва ижодий малакалари, халқ ҳофизлари, бахшилари билан бевосита ижодий мулоқот жараёнида муайян даражада ортади.

Бинобарин, репертуар фольклор ансамблининг ғоявий-бадий савияси, унинг профессионал ижодий маҳоратини аниқлаб берадиган кўзгу ҳисобланади. Шу боис репертуарга киритиладиган фольклор асарнинг бадий жиҳати ва ғоявий маз-



мунига, кўшиқларни танлашга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Репертуарга ўзбек фольклорининг хилма-хил жанрларидан дилга яқин, рақсбop асарларни, айниқса, маросим намуналарини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ижрочилик усулларининг энг мақбулларидан самарали фойдаланиш, уларни умумлаштириш жамоанин ижодий салоҳиятини оширади. Айтиш ўринлики, ҳаваскорлик ансамбллари тажрибасида бир услубда ижро этиладиган кўшиқларга таяниш, шунингдек, турли вилоятлардаги кўшиқларни ижро этиш усулларини уйғунлаштириш аънаванаси кўзга ташланади. Назаримизда, бу услуб, аънавий фольклорни ривожлантиришда истиқболли кўринади. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази фольклор ансамбллари ижросининг хато-камчиликларини таҳлил қилиб, уларга тўғри йўналиш кўрсатишга ҳақлидир. Шундангина улар халқ кўшиқларини ижро этишда Фарғона, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятлардаги мавжуд услублар асосида ўзбек миллий маданиятининг ниҳоятда бой, серкирра ижодий имкониятларини намойиш қила олади.

Фольклор ансамбли репертуарида, айниқса, ижро услубининг муайян томонлари шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда қайта ишланган ёки мустақил яратилган аънавий халқ намуналари билан бирга, муаллифлик асарларининг ки-

ритилиши замонавий оҳанглари кучайтириш, миллий қадриятлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фольклор-этнографика репертуари шаклланишининг дастлабки босқичларида қайта ишланган кўшиқларга, шунингдек, муаллифлар учун фольклор услубида халқ руҳиятига мос асарларни пухта ўйлаб, унга танқидий ёндашиш ва саралаш ниҳоятда муҳим. Айниқса, танлаб олинган материаллар ансамбль ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бўлиши ҳамда унинг ижро услубига мос келиши лозим. Чунки, муайян ҳудудда шакланган миллий аънаваларнинг хусусиятлари, бадий ифоданинг семимли воситалари мавжудлиги, кўшиқни ижро этишининг локал ҳудуд фарқлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, Хоразм халқ кўшиқлари шўх-шодон ва ўйноқи, фарғоналикларники залворли ва вазирироқдир. Самарқандга оид халқ кўшиқларида шиддат завқи уфуриб турса, бухороликларда дардчил ва нафислик яққол сезилади. Халқ кўшиқларининг ижро усули ва матни тузилишига қараб ҳам бир-бирдан фарқланади. Аммо уларнинг мақсади битта – халқ орзу-умидлари, армон-истакларини изҳор этиш.

Ансамбль репертуарини бадий жиҳатдан мукамаллаштиришда фольклор санъатининг бадихаўғулик, ҳозиржавоблик жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш даркор. Бу икки йўналиш халқ оғзаки ижоди бадий ҳазинасини шакллантирувчи асосий омиллардир. Бадихаўғуликни ривожлантиришда фольклор ансамблининг ўрни катта.

Халқ кўшиқлари ижрочилигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – лапарларнинг рақс-ўйин санъати билан бевосита боғлиқлиги ва уйғунлашиб кетганлигидир. Фольклор ансамбли раҳбари тўй-маросим қўшиғи ҳисобланган лапар жанрининг ўзига хос томонларини ҳамма эътиборга олиши, унинг матнига замонавий руҳни сингдириб бориши зарур. Бироқ бу уйғунликда ҳам ҳар бир вилоятнинг ҳудудий ўзига хослиги, бадий хусусиятлари, жўшқинлиги, рақс ҳаракатининг залворлидиги кескин фарқланиб туради. Ҳатто сахнада кийиб

чиқиладиган либосларнинг ўша ансамбль фаолият кўрсатадиган ҳудудга хос бичим ва кўринишга эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, бухороча рақсда зардори камзул, фарғонача рақсда олди очик, бели хипча бекасам беш-бел чопон, Наманганда бели ихчам нимча-ю ҳарир қўйлак кийилади. Борди-ю, рақс гуруҳи алоҳида бўлса, янада яхши. Чунки кўшиқчилар билан раққосаларнинг жамоадаги вазифаси аниқ бўлиб, уларнинг ижодий фаолияти мазмунан теран.

Фольклор-этнографик ансамблларнинг яна бир ўзига хос жиҳати сахнавий талқинларини яратишидир. Бу иш анча қийин бўлиб, ансамбль раҳбари ва иштирокчилар аънавий ижрочилик хусусиятлари ва сахна санъати қоидаларидан боғабар бўлишлари лозим. Шу боис ансамблининг сахнавий чиқишларини пухта тайёрлаш, концерт дастури қисмларининг ўзаро минтақавий мутаносиблигига эришиш даркор. Дастурни тузишда гуруҳ раҳбари жўшқин ва вақмин ижродаги кўшиқлар кетма-кетлигини таъминлаши зарур. Бу эса кўшиқларнинг бир меъёрга, раван янграшига ҳамда дастурнинг қизиқарли чиқишига имкон беради.

Бу турдаги ансамбллар халқнинг миллий аънаваларини, оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлаш, уларга сайқал бериб, яна халқнинг ўзига қайтаришда жонбозлик кўрсатадилар. Бир-бирига қўшни, урф-одатлари муштарақ Марказий Осиё республикаларида фольклор-этнографик ансамбллар бир-бирини тақрорламай, аксинча, бири иккинчисини тўлдиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон, Туркменистон ва Қирғизистондаги фольклор-этнографик ансамблларнинг ўзаро алоқа ва муносабатлари бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда, хусусан Хоразмда ташкил этилган "Оразбон", "Авазхон", "Достон" каби ансамбллар Туркменистондаги ҳамижодкорлари билан яқин ҳамкорликда ишлашмоқда.

Ҳозирги кунда маданият марказлари қошида фаолият кўрсатаётган 142та фольклор-этнографик халқ ансамблларида 2700га яқин иштирокчилар ва 430 нафарга яқин соҳа мутахассислари ижод билан машғул. Намуна кўрсатадиган фольклор жамоаларимиз ҳам талайгина. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида "Бес перде", Андижон вилоятида "Зилот", Бухорода "Моҳи-Ситора", Жиззахда "Боддон гуллари", Навоийда "Нуржаҳон", Наманганда "Ёр-ёр", Самарқандда "Бешқарсақ" ва "Чавқи", Сирдарёда "Сайхун йигитлари", Сурхондарёда "Бойсун", Тошкент шаҳрида "Ноира-бегим", Тошкент вилоятида "Тўрғай", Фарғонада "Чодир-жамол" ва Хоразм вилоятида "Оразбон" фольклор-этнографик халқ ансамбллари бор.

Юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос санъати, маданияти, урф-одат ва аънавалари, фольклори, хусусан, халқ ижодиёти санъатининг бахшчилик, катта ашула, ўлан, лапар, ёр-ёр каби йўналишлари, қанқовуз, сибизга, қўшнай, бўламон ва дўмбира каби қадимий чолгуларини тарғиб қилишдан иборатдир.

Мўминмирозо ХОЛМҲИМИНОВ,
Республика маданият муассасалари
фаолиятини
ташкил этиш илмий-методик маркази
бўлим бошлиғи

Кўргазма



Эртактлар дунёси

Ўзбекистон Бадий академияси Икю Хираяма халқаро маданият қарвон саройида график расом Хусан Содиковнинг "Эртактлар дунёси" номли иллюстрациялар кўргазмаси очилди.

Унда расомнинг 70 га яқин турли миллат халқларининг эртактларига ишланган иллюстрациялари намойиш қилинмоқда.

График расом ва таниқли карикатурачи Хусан Содиков 1981 – 1986 йилларда Остров-

ский номидаги Тошкент давлат театр ва расомлик институтининг Саноат графикаси факультетини тахсил олган. 1993 йилдан бери Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Расомнинг ижодий ишлари нафақат мамлакатимизда, балки, Корея, Португалия, Милл, Туркия, АКШ, Хитой, Испания, Гонгконг, Япония ва Россия каби давлатлардаги шахсий коллекцияларда сақланиб келмоқда.

Ижодкорнинг сатирик образларида латифа ва ҳангомаларда яшаб келаётган ўзбек, турк, эрон, озарбайжон, қозоқ халқларининг қаҳрамонлари, жумладан, Насриддин афанди ва Алдар кўса қабилар ўз ифодасини топган.

Рангли қалам ва акварелда ишланган бу ишлари нафақат болажонлар, балки катталар ҳам қизиқиш билан томоша қилиши мумкин.

Кадриятларимиз

Халқ ўйинлари

Маълумки, меҳнат ҳамда фаолиятнинг бошқа турлари, масалан, ўйин ҳам ижтимоий характерга эга. Ўйинлар кишиларнинг меҳнат маданияти пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосига айланган тарихий босқичда вужудга келган. Ибтидоий тузумда болаларни тарбиялашнинг характерли жиҳати, уларни уруғнинг урф-одат ва анъаналари, тарихи, шунингдек, халқ оғзаки ижоди: ривоятлар, кўшиқ ва рақслар билан таништиришдан иборат бўлган. Ёшларни катталар сафига қўшиш деб аталадиган байрам – диний маросимлар кенг тарқалган. Булар ўзига хос ўйин-мусобақалардан иборат бўлиб, уларнинг мазмунини меҳнат фаолияти, қабилаларнинг урф-одатлари, удумлари, халқ оғзаки ижоди ташкил этган. Мана шундай ўйин мусобақаларда йигитлар қуроллардан моҳирона фойдалана олишларини, диний одатларга амал қилишларини, қабиладан муқаддас саналган ривоятларини билишларини намойиш этишлари лозим бўлган.

Маросимларда рақслар ҳам ижро қилиниб, уларда одамлар ҳаётий воқеаларни, ютуқлар ва муваффақиятсизликларни, шодлик ва қайғуларини ифодалашган. Ибтидоий одамларнинг ёввойи ҳайвонларни овлашлари ва уларни ўзларига бўйсундиришга интилишлари овдаги воқеаларни ўйинлар орқали намойиш этишларига оқтиб туғдирди. Д.У.Эльконин ўйин ва санъатнинг келиб чиқишини тадқиқ қилиб: "Ибтидоий кишилар ов, уруш воқеаларини ва бошқа жиддий фаолият турларини ўйинларда ифодалашганлар. Овдаги муваффақиятсизлигини ўйнаш уларга йўл қўйилган хатоларни ҳамда унинг сабабларини аниқлашда ёрдам берган" деган хулосага келади.

Хар бир халқнинг ўз миллий ўйинлари мавжуд бўлиб, улар маданият ва турмушга хос хусусиятлар заминидан вужудга келган. Уларда этник тарихга бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, мафкура-этикодининг айрим элементлари, ахлоқий-эстетик меъёрлар акс этади. Халқ ўйинлари маллакатнинг миллий хусусиятларини, катта ёшли кишиларнинг феъл-атвори ва одатларини, меҳнат жараёнлари, жўғрофий шароитларини ифодалайди. Шунга кўра ўзбек халқ ўйинларини ахлоқий-эстетик тарихи, маданияти бошқа халқлар билан алоқаларини ўрганишнинг манбаларидан бири сифатида қараб чиқиш лозим.

Халқ ўйинлари турлари
Халқ миллий ўйинларидан – кураш, елка уриштириш, қўл жанги, отда пойга, қиличбозлик, найза санчиш, човгон, арқон тортиш, дорбоз каби жуда кўп турлар қадимдан давом этиб келмоқда. "Чиллак", "Оқ суяк", "Эшак минди", "Пиёда кўпқари", "Орқанг куйди", "Пода тўп" (Чўпон),



"Дўлқи", "Такки" (ёнғоқ ўйинлари), "Тоқия-телпак" (футболга ўхшаш) каби юзлаб миллий ўйинлар жисмоний ривожланиш, чаққонликнинг омиллари саналган. Таъкидлаш лозимки, кураш, одатда пойга, отда жанг қилиш (қиличбозлик, ағдарош, найза санчиш, қамчилаш, калтаклашиш ва ҳ.к.), камондан (ёй) найза (ўқ) отиш, тоғларга отларда чиқиш, тез оқар сувлардан пиёда ва отларда кечиш, сузиб ўтиш каби мураккаб ҳаракатлар "Авесто", "Алпомис", "Қирқ киз", "Тўрўғли" туркумидаги ўнлаб халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳамда қўлёзмаларда ўз ифодасини топган.

Мустақиллик йилларида миллий кадриятларимиз, маънавий-маърифий маданиятимиз кўринишларидан бири бўлган халқ ўйинларига эътибор кучайди. Натيجида "Алпомис ўйинлари" (1998 й.) ва "Тўмарис ўйинлари" (1999 й.) республика фестиваллари ташкил этилиб, улар ҳар икки йилда ўтказиб келинмоқда. Энг муҳими, ўзбек миллий курашлари (Бухоро ва Фарғона усуллари, Турон қўл жанги санъати ва ҳ.к.) бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мусобақалар ташкил этилмоқда. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Олимпия ўйинлари спорт мактаблари ва бошқа таълим масканларида миллий кураш асо-

сий ўринларни эгалламоқда. Шу сабабдан вилоятлар ва республика миқёсида кураш бўйича биринчиликлар, очик халқаро турнирлар ташкил этилиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Натижда ўзбек миллий кураши (Бухоро усули) жаҳон спортга айланиб, ҳар йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатидан мустаҳкам ўрин тутди.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш, ёшларни жисмонан баркамол қилиб тарбиялаб етиштиришда "Алпомис" ва "Барчиной" деб номланган мусобақалар (2000 йил) муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кўпқари (улоқ), пойга ва бошқа от ўйинлари республикамизнинг қишлоқ, қўрғон (посёлка) шароитларидаги турли хил тўйларнинг фаизи ҳисобланади. Бу ўйинларни элимиз доимо ардоқлашди. Чунки ёшларни чаққон, эпчил, чидамли, ориятли ва полвон қилиб тарбиялашда бу ўйинларнинг ҳам тарбиявий жиҳатлари жуда кўпдир.

От ўйинлари. Жаҳон халқларининг ижтимоий-турмуш маданиятида от ўйинлари турлари жуда кўп. Европа мамлакатларида отда говдан (тўсиқ) сакраб ўтиш, аравага қўшиб пойга қилиш, отни рақса тушириш (ўйнатиш) каби турлар кенг қўлланиб келинади. Бу каби мусобақалар жаҳон биринчиликлари, Олимпиада ўйинлари дастуридан муносиб ўрин эгаллаган.

Марказий Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда кўпқари (улоқ), пойга отдан ағдарош, қиз қувмоқ, султон шаҳзода (бошдан парни уриб тушириш) каби от ўйинлари қадимдан қўлланиб келинмоқда. Ўзбекистонда кўпқари (улоқ) ва от спорти Ассоциацияси ва миллий федерация 2002 йилда тасис этилди.

Кўпқари (улоқ) – от ўйинларининг энг мураккаб ва қизиқарли турларидан бири. Бунда тез чопар ва тўдага ёриб кириш ҳамда ундан озод-эркин чиқиш учун кучли отлар танланади. Улар ёшлигидан парваришлаб, тарбиялаб етиштирилади. Ўз навбатида чавандоз ҳам эпчил, чаққон, кучли, эгилувчан, бели ва билага кучли-чидамли бўлиши керак бўлади. Ерга тушган улоқни тўдадан олиб, рақиблар ушлаб қолганда ундан тортиб олиш ва отни чоптириб манзилга етқа-



зиш учун қанчадан-қанча мураккаб ҳаракатлар амалга оширилади. Бундай жараёнлар йиллар давомидаги тинимсиз меҳнат маҳсулидир.

Пойга – асосан икки хил бўлади, яъни маълум масофада (1-2 км) отни чоптириб (улоқни), манзилга етказиб келиш. Иккинчисида эса белгиланган масофада (500-1000м.) улоқни олиб қочиш ва манзилга етказишдир. Бунда ҳам тўди кўпқари каби улоқни тортишиш, тўдаларнинг вужудга келиши, улоқнинг ерга тушиб кетиши, уни олиш учун кўпчиликнинг тўдада ҳаракат қилишлари ва бошқа анчагина мураккаб ҳаракатлар юзага келади. Уларни фақат абжир, эпчил, кучли чавандоз ва унинг отигина амалга ошира олади.


Кўпқари ва пойгаларда чавандозларнинг от устида туриб тор-

фойдаланиш, энг муҳими, шу турлар билан шуғулланувчи касбкорлар (мураббийлар) билан узвий мулоқотда бўлиш, уларнинг тавсия ва кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

Ўқордида зикр этилган миллий ўйинлар ҳар қандай спорт

туридан қолишмайди. Шу босиш улардан ёшларни жисмонан чиниқтириш ҳамда иқтидорли спортчиларни тарбиялаб етиштириш мақсадида фойдаланиш керак. Шу асосда аста-секин бу ўйинларни вилоятлар ва республика миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг дастурларига киритиш, пиروвардида уларни саралаб, жаҳон спорт майдонларига чиқишига замин яратиш мумкин.

Умуман олганда, анъанавий халқ ўйинлари ва миллий белла-



тишишлари, энгашишлари, от (бўйнида) ётиб олиб, чалқанча ҳолда улоқни эгаларга ўнгариш ва кўпгина ҳаракатлар қилиш жисмоний жиҳатдан кучли, эпчил, чаққон, қайишқоқ, эгилувчанлик, чидамлилик каби жисмоний сифатларни талаб этади. Демак, от ўйинлари бошқа спорт турларидан қолишмайдиган даражада ўз маънаига эга. Бунинг учун Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва бошқа вилоятларнинг тоғли ҳамда чўл зоналарида ўтказилаётган тўйлардаги кўпқарилардан андоза олиш, мавжуд ўқув-услубий қўлланмалардан мақсадли фойдаланиш керак бўлади.

Дорбоз, тош кўтариш, арқон тортишиш каби мураккаб ўйинларни ўрганиш ва мусобақаларда қатнашиш ҳам маҳсус тайёргарликларни талаб этади. Бу соҳаларда маҳсус қўлланмалардан

шувлар нафақат халқ маданияти ва санъатнинг азалий ажралмас бўлаги, шунингдек, болалар ва катталарни тарбияловчи муҳим омил сифатида ҳам аҳамият касб этиб келган. Бу каби ўйин-мусобақалар чоғида абжирликни намойиш этиб, самимий завқланиш билан бирга, ўзаро танишиш, қўшни халқлар билан дўстлик муносабатларини ривожлантириш, рақибга ҳурматда бўлишни ўргатиш, танг вазиятда ҳам тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса шуки, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ёшларни соғлом вояга етказиш, уларга таълим-тарбия беришда, миллий кадрият ва урф-одатларни асраб-авайлашда беқиёсдир.

Ҳ.Ҳ.ЖАЕВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими



Хабар

Номаълум хайвон болалари топилди



Сурхондарё вилояти Термиз хайвонот боғига тури аниқланмаган хайвоннинг иккита боласи келтирилди.

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Музrabод туманидаги одамлар қўйларни бўғизлаб кетаётган номаълум хайвонни уриб ўлдиргани тасвирланган лавҳа тарқалган эди. 24-25 май кунлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда ИИБ ҳолатни ўрганиш учун воқеа жойига чиқибди. Худуд кўздан кечирил-

ганида, "Орият" маҳалласидаги "Шомуродов Абар" фермер хўжалигига қарашли дала четидан икки бош номаълум хайвон болалари топилган.

Ҳозирда ушбу хайвон болаларини сақлаб қолиш ҳамда турини аниқлаш мақсадида Термиз хайвонот боғига топширилган.

У.НОРБОЕВ,
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси бошлиги ўринбосари

Табиийлик - бебаҳо неъмат

...Соҳибанинг келин тушириб, ўғил уйлаганига ҳам 3-4 ой ўтиб қолди. У келинининг келишган қомати, хусн-таровати, қолаверса, қўни-қўшнларининг ҳам ҳавас билан ортидан мақтаб қолишларидан ич-ичидан қувонар, "Бекор хавотирланган эканман, ёлғиз қиз бўлса ҳам, эсли-хушли, инсофли, тантиқ эмас экан, илоҳим кўз тегмасин" дея шукроналар келтирар эди... Унинг шоирларимиз тили билан айтганда, камондек қошларю, гунчадек нозик лаблари, Ҳазрат Навоий таърифлаганидек, "нуқта оғзи"га тикилиб, табиатнинг бу гўзаллигидан завқланарди...

Хуснингни хор қилманг!

Лекин "кўз тегди"ми, Муниса ишга тушди-ю, ўзгарди қолди. Кийиниши, юриш-туриши ҳам олдингидай эмас. У очик-сочик кийинишдан, ишдан кейин кеч қолишлардан уялмай қўйди. Бир кун ишдан келди-ю, бошим оғрипти деб ётиб олди. Келиним келса, овқатни сузар, деб кутаётган қайнона ўзи дастурхон тузаб, овқатни олиб келди. Муниса шу ётганча эрталаб турди. Нонуштага ҳам қарамай қийна бошлади. Соҳиба нима бўлаётганини тушунолмаб ўғлидан суриштирди. Фозилжон нима дейишини билмай елка қисди. Маълум бўлишича, Муниса ишхонасидаги дугоналарининг сўзига кириб қошини қирдирган, лабини шиширган, аввалги хуснидан асар ҳам қолмаган эди. Унга хайрону лол қараб қолган қайнонага эса ўғлининг руҳат берган дея тер жавоб берди. "Эҳ эссизгина, қандай хуснингиз бор эди-я, келин, нима жин урди сизни?" деганида эса "Ҳозир мода-ку, ишхонамда ҳамма шундай қилдирган" деб иддао қилди.

"Растушовка", "ботокс"ни тушунмайдиган қайнонасига менсимагандек ўқрайиб қаради! Соҳибанинг назарида гўё келини 3 ойда юзиди даги никобини сидириб ташлаган, сунъийлик соя солган совуқ чехрага надомат билан бокиб турарди... Эртасига эса келин ишга кетар чоғи "Бугун кечроқ қайтаман, килрик эктиришим керак" дели-ю, жавобни ҳам кутмай чикиб кетди...

Ҳозирги кунда бу каби ҳолатлар ҳеч кимга янгилик эмас: баъзи "ута замонавий", модапараст аёллар, қизлар учун оддий ҳол. Кимларнингдир ўзидан аввал кўзга ташланиб турадиган кўпол, бачкана лаблари, биратўла кириб қайта чизилган ясама қошларини кўрганда нафақат эркаклар, балки аёлларимизнинг ҳам гаши келаётгани тез-тез кулоққа чалинапти.

Анчадан буён кўпчиликни ўйлантириб келаётган бу муаммолар аслида ўзини, ўзлигини унутмаган, миллат келажаги учун қайғурдиганларнинг ҳам тинчини ўғирлаган, улар тобора илдиэ отиб кетаётган оммавий маданиятнинг бу тури нафақат онгимиз, балки соғлигимизга ҳам хавф туғдираётганидан хавотирда...

Яқинда турли долзарб мавзуларни кўтариб чиқаётган "Ёшлар" каналида "Бугун ва эрта" лойиҳаси асосида тайёрланган кўрсатув, давра суҳбатини тинг-

лаб, томоша қилиш асносида "Ҳали ҳаммаси ўз ўрнига тушади, табиийлик сунъийликни сиқиб чиқаради" деган таскинвор сўзлар шу уримизни ёритгандек бўлди. Унда иштирок этган жамият ва жамоат фаоллари, мутахассислар ўзларининг холис мулоҳазаларини айтиб, бу ҳам моданинг бир кўриниши, ахир бир кун урфдан қолиши ҳақида сўзлашди. Аммо атоқли адибимиз Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, "Хўроққандни ҳам чет элники деса ётиб ялайдиган"лар кўп орамизда. Тўғри, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжини амалга ошириш мақсадида замонавий тиббиётнинг бир йўналиши бўлган косметология ҳозирги кунда бошқа халқлар каби ўзбек аёллари учун ҳам ҳаётини заруратга айланган. Лекин зинҳор миллий қадрият, ўзлик деган тушунчаларнинг заволига хизмат қилиши керак эмас албатта. Масалан, кимнингдир юзида қандайдир доғлар, терисининг дағаллашиб, қуруқшаб қолиши ёки лабарларидаги камчиликни тўғрилаб, хуснини тўлдириш нотўғри бўлмас. Ахир ҳар қандай аёл ўзига оро бериши, орасталаниб, атрофдагиларга яхши кайфият улаштиришининг нимаси ёмон? Бу маданиятликнинг бир кўриниши эмасми!

Ҳақ гап, азал-азалдан "Гўзаллик дунёни кутқаради" деб бежиз айтилмаган. Қолаверса, "Онанинг отанга бепардоз кўрсатма" деб айтганлар ҳам ўзимизнинг момоларимиз, ота-болаларимиз бўлади...

Лекин ҳар ишда меъёрнинг сақланиши



мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда шу кўрсатувнинг яна бир иштирокчиси - Нигорага ўхшаб бор хуснидан ҳам айрилиш, боз устига уч ойдан бери ота-онасига кўринишга қўрқиб, ётоқхонадами, ижара квартирасидами юриши турган гап. Айниқса, қизгинанинг "Отам шунақа пардоз қилганларни ёқтирмасди, уларни ўрдақнинг бурнига ўхшатиб, ёмон кўрарди" дея ўқиниши ажабланарли. Унинг айтишича, лаблари бир томонга қийшайиб, шишиб кетган. На уйига, на ўқушига боролмай, юзи қуйган одамдек битта хонага қамалиб олишининг дахшатини уни бошидан кечирганлар яхши тушунишади. Афсуски, бу каби ҳолатлар кам эмас. Косметологнинг айтишича, "қош қўяман деб кўз чиқараётган"лар айрим ўқимган, тиббий саводи етишмайдиган, пул топиш дардида ёш-ёш қизларнинг ойдек чехрасини бузиб қўяётганлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Бу ҳақда таниқли режиссёр Иброҳим Расуловнинг асосли мулоҳазалари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. "Аслида аёл гўзаллик тимсоли, - дейди у. - Агар ҳар қандай пардоз меъёрда қилинса, айниқса, санъат йўлини танлаганлар учун бу ҳаётини зарурат. Қайсики томошабиннинг гўзал чехрасидан завқланса, ҳулқу одобидан хузуруланса, бу маданиятимиз ривожига хизмат қилади. Лекин ҳозир ёш-ёш қизларимиз ҳам қош қўзи, лабарига керагидан ортиқ зеб бериб, та-

бийи гўзаллигини йўқотиб қўйишаётгани ачинарли. Ёш бўлса ҳам, маҳорат бобида катталардан қолишмайдиган талантларимиз кўп. Аммо уларнинг юзу кўзи бир хил, сунъийлиги билиниб туради. Кейин уларни тарихий ролларга тавсия қилолмаймиз!?"

Бу борада яна бир иштирокчи фикри кўпгина томошабинларнинг кўнглидан ўтган бўлиши аниқ. "Тўғри, шу кунларда қайта намоийш этилаётган "Қора атиргул" сериалини мухлислар қизиқиб томоша қилишаётгани яхши маълум, - дейди у. - Сабаби сценарий қизкарли воқеаларга бой. Режиссура ҳам талаб даражасида. Аммо, қамқоқхонадаги хотин-қизларнинг кўриниши агар кийимларини айтмаса, у ердаги шароитга асло мос эмас. Ҳаммасининг қош-кўзию лаблари ҳозир салондан чиққан аёлларни эслатади..."

Тўғрида, бу растушовка деганлари беш-ўн йилда ҳам ўзгармай турса, устидан грим қилишининг иложи бўлмас...

Булар энди оддий қилиб айтганда, "омади гаплар". Зеро, табиийлик, меъёрга амал қилишнинг хосияти мўл эканини тушунмайдиганлар кам орамизда. Фақат тушуниниш истамайдиганлар, ўз йўли қолиб, ўзгалар йўриғига юрадиганлар кўпайиб бораётгани ачинарли.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: жаҳон тамаддунига дахлдор миллатимиз маданияти минг йиллардан буён ўзгалар эътиборини тортиб келмоқда. Уни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш учун жон қуйдирган аждодларимиз ҳаққи-хурмати, ўзлигимизни асраб қолишга биз ҳам ҳисса қўшайлик, замондан орқада қолмасликка интиلسак-да, ўзбек деган номни дунёга тараннум этган қадриятларимизни унутмайлик. Адрес, ким-хобларга ўралиб юрмасакда, ярим-яланғоч, тор-танқис, очик-сочик либослар ва аксинча бошдан оёқ қора кийимларга ружу қўймайлик. Зеро, демократияни байроқ қилган, ўзини энг қудратли, маданиятли деб ҳисоблайдиган Ғарб давлатлари ҳам тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлган умуминсоний қадриятларга амал қилиш, маънавиятни асраш нечоғлик зарур эканини тан олишмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА



<p>МУАССИС: "Dildosh media" МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева</p> <p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўзлаштирилган.</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. "Маданият" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 8005 Буюртма - Г - 617 Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p>	<p>Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 00.50 Топширилди - 00.30 1 2 3 4 5 6</p>
--	---	---	--	--